

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ДЕДРОГИЛ®

Препаратнинг савдо номи: ДЕДРОГИЛ®

Таъсир этувчи модда (ХПН): кальцифедиол

Дори шакли: ичга қабул қилиш учун эритма

Таркиби:

1 томчиси қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: кальцифедиол 5 мкг сувсиз кальцифедиолни (ёки 25-ОН холекальциферол);

ёрдамчи модда: Пропиленгликоль (E1520).

Таърифи: рангсиз, қовушоқ эритма.

Фармакотерапевтик гуруҳи: витамин Д.

АТХ коди: А11СС06

Фармакологик хусусиятлари

Кальцифедиолни қўллаганда D витаминини метаболизмни жигар даврини четлаб ўтади ва ушбу биринчи метаболитни бевосита организмга олиб келади.

D витаминини муҳим функцияси ичакка таъсир қилиши, уни кальций ва фосфорни сингиш қобилятини, ҳамда скелетга унинг минерализациясини рағбатлантиришни оширишини ўз ичига олади.

Жигардаги 25 (ОН) D3 дан синтез йўли билан олинган кальцифедиол ёки 25-гидроксиголекальциферол табиий D3 витаминини биринчи метаболити ҳисобланади. Шундай қилиб, кальцифедиол D витаминини айланиб турувчи шакли ҳисобланади.

Унинг ярим парчаланиш вақти тахминан 18-21 кунни ташкил қилади, унинг ёғлардаги сақланиши, тахминан унинг ёғда эрувчанлигини пастлиги ҳисобига, D витаминига қараганда жиддий камроқ.

Нихоят, кальцифедиол 1,25-дигидроксиголекальциферолни ишлаб чиқариб, буйракларда иккинчи гидроксидланишга учрайди.

Қўлланилиши

Болалар ва гўдақларга:

- витамин етишмаслиги туфайли рахит;
- кортикостероидлар ёки тиришишга қарши препаратлар билан узоқ даволашда кальций алмашинувини бузилганда, ҳамда буйраклар етишмовчилигида;
- буйраклар етишмовчилигида D витамини танқислигини профилактикаси учун.
- Катталарга:
- остеомаляция (озик-овқатга оид ёки мальабсорбция)
- D витаминини танқислигини даволаш
- кальций алмашинуви бузилганда, кортикостероид ва тиришишга қарши препаратлар билан даволашда профилактика учун
- буйраклар етишмовчилигида D витамини танқислигини профилактикаси учун қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Томчиларни оз микдорда сув, сут ёки мева шарбати билан аралаштириш мумкин.

1 томчи = 5 мкг.

Томчиларни аниқ дозалаш учун, бутилкани тагини юқорига вертикаль ушланг.

Кунига 1 марта қўлланилади.

Болалар (куйида келтирилган эҳтиёткорлик чораларига мувофиқ, сийдик ва зардобда кальцийни назорати остида):

- D витамини танқислиги сабаб рахитда; кунига 2 томчидан 4 тагача;
- Кальций бузилишининг профилактикасида:
- кортикостероид даволашда: кунига 1 дан 4 томчигача;
- тиришишга қарши препаратлар билан даволашда: кунига 1 дан 5 томчигача;
- буйрак етишмовчилигида табиий D витаминини танқислигини олдини олиш учун: кунига 2 тадан 6 томчигача.

Катталар

- Остеомаляция:
- Озиқ-овқатга оид: кунига 2 тадан 5 томчигача;
- мальабсорбция ва тиришишга қарши препаратлар: кунига 4 тадан 10 томчигача;
- D витамини танқислигини даволаш: кунига 2 тадан 5 томчигача;
- кальций бузилишининг профилактикасида:
- кортикостероид даволашда: кунига 1 тадан 4 томчигача;
- тиришишга қарши препаратлар: кунига 1 дан 5 томчигача;
- буйрак етишмовчилигида табиий D витаминини танқислигини олдини олиш учун: кунига 2 тадан 6 томчигача.

Ножўя таъсирлари

Ножўя самаралари терапевтик дозаларда эмас, дозани оширилиб юборилганда пайдо бўлади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

ДЕДРОГИЛ® 1,5 мг / 10 мл ичга қабул қилиш учун томчиларни куйидаги ҳолатларда қабул қилманг:

- агар сизда фаол моддасига ёки ушбу дорини бошқа ҳар қандай ингредиентига аллергия бўлса;
- гиперкальциемия (қонда кальцийни аномал юқори даражаси);
- гиперкальциурия (сийдикда кальцийни аномал юқори даражаси);
- кальцийли литиаз (буйракларда тошлар)да қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Ушбу дори воситаси ҳар бир томчида 34,60 мг пропиленгликоль сақлайди.

Алкогольдегидрогеназининг этанол қаби, ҳар қандай субстрати билан бирга қабул қилганда 5 ёшгача болаларда нохуш самаралар чақириши мумкин.

D витаминини сўрилишини орлистат пасайтиради.

Махсус кўрсатмалар

Ушбу дори воситасини қабул қилиш, даволашни бошлагандан 1-3 ойдан кейин, сўнг одатда тахминан ҳар 3 ойда (давомли даволанганда) дозани оширилиб юборилиши хавфидан сақлаш учун, олдиндан дозалаш ва сийдикда ва қон зардобда кальцийни миқдорини қайта назорат қилиш зарурлигини талаб қилади.

Сизнинг шифокорингиз дозани оширилиб юборилиши хавфидан сақлаш учун қонда (кальциемия) ва сийдикда (кальциурия) кальций миқдорини мунтазам текшириб туради.

Буйраклар етишмовчилигида креатинин клиренсини ва фосфорланишни назорат қилиш, ҳамда хатто ўрта гиперкальциемиядан сақланиш зарур.

Дозани оширилиб юборилишини олдини олиш учун, шифокор билан олдиндан маслаҳатлашмасдан, асоси D витамини (ёки D витамини қўшилган сут билан) бўлган бошқа даволаш билан препаратни қўшилмасин.

АГАР СИЗДА ИШОНЧ БЎЛМАСА, ЎЗИНГИЗНИ ШИФОКОРГА ЁКИ ФАРМАЦЕВТГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

ДЕДРОГИЛ 1,5 мг / 10 мл ичга қабул қилиш учун томчиларни қабул қилишдан олдин ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши

Зарурати бўлганда ушбу дори воситасини ҳомиладорлик ва эмизиш даврида буюриш мумкин.

Агар сиз ҳомиладор ёки эмизаётган бўлсангиз, сиз ҳомиладор бўлиш ҳақида ўйлаётган ёки бола туғишни режалаштираётган бўлсангиз, ушбу дори воситасини қабул қилишдан олдин, ўз шифокорингиз ёки фармацевтга маслаҳат учун мурожаат қилинг.

D3 25-гидроксивитаминни ҳомиладорлик вақтида қабул қилишни кўриб чиқиш мумкин, лекин ҳомиладор аёлларда конкрет дозани белгилаш учун тадқиқотлар ўтказилмаган. Лекин қунига дозалаш 2 дан 3 томчигачадан ошиб кетмаслиги керак.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Таъсир қилмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Бош оғриғи, чарчаш, иштаҳани йўқолиши, вазни йўқотиш, ўсишни тўхташи, кўнгил айнаши, қусиш, сийдикни ҳаддан ташқари кўп миқдори, кучли чанқоқлик, юқори артериал босим – булар ҳаммаси D витаминини дозасини ошириб юборилишини белгилари, айниқса гўдак ёки бола бутилкани ичидагини ҳаммасини тасодифан ютиб юборганида. ДАРҲОЛ ЎЗ ШИФОКОРИНГИЗНИ ХАБАРДОР ҚИЛИНГ.

Даволаш: препаратни бекор қилиш, ўз шифокорингизни дарҳол хабардор қилинг.

Чиқарилиш шакли

10 мл эритма шиша бутилкада, полиэтилендан томчили дозатор ва полипропилендан ёпик тикини билан.

1 флакон тиббиётда қўлланишига доир йўриқнома билан бирга картон қутида.

Сақлаш шароити

25°C ҳароратдан паст, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин!

Яроқлилик муддати

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт билан.

Ишлаб чиқарувчи

LABORATORIO FARMACEUTICO SIT S.r.l., VIA CAVOUR, 70, 27035 MEDE (PV)
Италия.

Савдо лицензияси эгаси

DesmaPharma S.A.R.L., LaVoétie кўчаси 25, 75008 – Париж, ФРАНЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

Ўзбекистон Республикасида “Medexport Italia” Консорциуми Ваколатхонаси

100015, Тошкент ш., Кичик Бешёғоч кўч., 104А уй.

Тел.: 998 71 120 65 67